

Муҳтарам сайловчилар! Сайлов айёми айти авж палласига етди. Сизлар тарихий воқеа иштирокчилари бўласизлар! Келаётган якшанба — 5 декабр сайлов участкалари ҳар қачонгидан ҳам гавжум бўлади. Ватанимиз истиқболининг масъуллари бўлмиш МУНОСИБ ДЕПУТАТЛАРНИ сайлаш умумхалқ байрамига айланади.

ҲАММА АЙЁМГА! ҲАММА БАЙРАМГА! ҲАММА САЙЛОВГА!

**МУСТАҚИЛ
ГАЗЕТА**

ХУРРИЯТ

1996 йил декабрдан чиқа бошлаган

АРАФА
**БИЗ ЎЗ
ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИ
САЙЛАЙМИЗ!**

... Бундан бўён ҳам бағри кенг ва танти халқимизнинг меҳна боғлаётган орау-умидларини рўйбга чиқариш, тинчлиги ва оқсоқиллигини таъминлаш, бахтли ва фаровон турмуш кечиришлари учун шароит яратиш, озода Ўзбекистоннинг барқарор тараққиётини изчил давом эттириш, ҳақон ҳамжамиятидаги нуфузини янада ошириш йўлида ўзимнинг меҳнатим, билим ва тажрибамни аямайман.

Ислоҳ КАРИМОВнинг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари депутатлари, "Адолат" ва "Ватан тараққиёти" партиялари курултойлари қатнашчиларига мурожаатидан

... Уша кун биз Жиззахда эдик.

Ҳаво салқидан кўра совуқроқ эди. Гумон бор эдики, қор ҳам учкунлаб қолди.

Пешиндан кейин вилоят ҳокимлиги ёнидаги каттагина Мустақиллик майдонига одамлар гурос-гурос оқиб келаётганини кўрдик. Ёшлар, қарилар, ўрта ёшлилар, аёллар...

Аён бўлдики, худди шу 24 ноябрь кун Марказий сайлов комиссияси республикамиз Президентлигига номзодларни рўйхатга олган экан.

Бундан воқиф бўлган эл, бир қалқиб тушган чоғи, кўнгилдаги хаяжонни изҳор этмоқ ниятида, марказ томон шошаверган.

Холбуки, кун салқидан кўра совуқроқ эди...

Мана шундай чоғлари бейхитёр журналистик касбининг афзал томонларига тан бергинг келади. Илло, иссиқгина ишонада ўтиролиб қоғоз қоралаган қайда-ю, олис бир вилоят марказида юртнинг кўтаринки кайфиятига, фавқулодда фаоллигига ғувоб бўлган кўйи хаяжонингни ёзишга сўз тополмай қолиш қайда!

Аслини олганда, қайдан бу кўтаринкилик, қайдан бу фавқулодда фаоллик?

Ҳар қалай, оддий бир қаламқаш воқеликни ўз мезонлари ила ўлчар, аммо бугунги тинч-осуда ҳаёт, барқарорлик эмасми халқ кўнгли-

Турсулал АҚБАРОВ

га кўтаринкилик уруғини экиб, мўл ҳосилини етиштирган! Эртанги кунга ишонч, айти чоғда масъулик ҳисси эмасми халқни фаолликка ундаган! Мустақиллик шарофати эмасми бу! Президент, ҳукумат олиб бораётган одил сиёсатнинг илк медалари эмасми бу!

Алоҳида Шахслар, Инсонлар жамланмасигина Халқ аталишга муносиб, Шўро давридагидек "мурватчалар" йиғиндиси эса оломонга эврилади. Биз бугун Халқимиз-Қудратли, кучли халқ.

Зеро, фақат одил, демократик жамиятдагина фуқаро ўзини тўлақонли Инсон ҳис элади. Бундай Инсон эса юртнинг бугунги, эртаси учун елкасидаги масъулик ҳиссини сезиб-билиб туради. Ва мана шу эзу туйғуни намоян этмоқ имкониятларидан самарали фойдаланади. Юртбошини сайлаш вақолати ҳам мана шу имкониятлардан ҳибҳлиқ.

Жиззахлик сайловчилар мустақилликнинг тамал тошини қўйган, мамлакатимизни, халқимизни дунёга танитаётган Президентимизни бўлғуси сайловларда қўллаб-қувватлашини билдирилди.

Халқ ўз раҳбарига ишонч билдирмоқда.

Чоршанба кунлари чиқади

1999 йил 1 - 7 декабрь

48 (150)-сон

РАДДИЯ

САЙЛОВ ҲАҚИДА ЁЗИШ ЎЙИНИ ЭМАС!

"Сайлов ўйини эмас!"

(“Хуррият”, 24 ноябрь, 47-сон) сарлавҳаси бир қарашдаёқ киши эътиборини тортиди. Бониски, бугун сайловолди ташвиқот жараёнлари авж палласига етган, бинобарин, ташвиқот асосан ОАВ орқали тегишли қонун ва меъёрий ҳужжатларда белгиланган тартибда амалга оширилаётган бир паллада иддао оханги касб этувчи сарлавҳа остида баён этилган ҳиссиётга тўла мақола сайловчиларга ўзгача таътиши турган гап. Бир қарашда муаллиф сайловлар ҳалол, қонун доирасида ўтиши учун жон куйдираётгандек туюлади кишига. Бирок муайян ҳолат ёхуд воқелик ҳусусида ҳиссиётга эрк берилиши, масала ҳар томонлама таҳлил этилмагани, боз ушунга, мақола депутатликка номзоднинг ишончли вақили томонидан ёзилганлиги ҳар жиҳатдан нотўғридир. Оддий мантик: ишончли вақил, номиданок билинб турибдики, ўз номзоди депутат бўлишини жуда-жуда истаиди, шу ният, шу илҳижда мудом номзод билан бабаробар сайловчи овози учун курашади. Бас, шундай экан, ишончли вақил айти сайловолди ташвиқот жараёни ҳусусида танқидий мақола ёзар экан, иложи борича ўз номзодиға ён босиши оддий ҳақиқат. “Сайлов ўйини эмас” мақола-сида бу ҳол яқин кўзга ташланади: “...муқобил номзодлардан бири... депутат бўлишга шу қадар ишқи тушганки...”

Жумладанг истеҳзо ҳақида гапириб ортиқча, бирок ҳар бир номзод айнан депутат бўлиш учун курашга тушиши наҳот муҳтарам иқтисодчи олимизнинг эътиборидан четда қолган? Албатта, бугунги сайловлар бурунги сайловлардан тўқдан фарқ қилиши, бир оқудан саккиз нафаргача номзод депутатлик мандати учун курашаётгани, бу жараён демократик тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатимизда илк бор ўтказилаётгани, қолаверса, бу ҳол сайловчилар учун янгилик ва шунингдек, катта масъулият эканини ҳамма бирдек ҳис қилаётган десак, пича муқобилга бўлар. Бирок мамлакатимиз тарихида текамомила янгилаш асосларда келаётган сайлов халқимиз томонидан фавқулодда кўтаринки рўхта қабул қилинмоқда, жойларда бўлаётган уршувларнинг бири-биридан қизғин ўтаётгани бунинг яққол далилидир. Шундай бир

пайтда худди тирнок орасидан кир излагандек йўл тутиб, қўлга қалам тутиш, жуда юмшоқ қилиб айтганда, масъулиятсизликдир! Улкан оммавий тадбирлар ҳақида ёзаётганда яхши ният билан қўлга қалам олинар экан, уни ўта бахсли ҳолатни матбуотда дўмбира қилишга эмас, ўтказилаётган улкан сиёсий тадбирнинг моҳияти, унинг ватан ва миллат эртаси учун нечоғли аҳамият касб этиши, умуман, сайловчининг бурчи ва ҳуқуқи масалаларига йўналтирилса, бундан жамият ҳам, сайловчи ҳам ва турган гапки, номзод ва ишончли вақил ҳам фақат ютади. Модомики, гап муайян бир номзод теварағида айланар экан, унинг чиқиши ўзи мансуб бўлган партия дастурига нечоғли мувофиқ келиши ҳусусида икки оғиз мулоҳаза билдирилса — олам гулистон, охириги ҳулоса — сайловчиға тап.

Мақола муаллифи бўлаётган уршувлар сценарийси аввалдан тайёрланган деб ҳам ёзғиради. “Олдидан тайёрлаш” нима? Уршувларни ташкиллаштириши? Ахир, унингга тўртта меҳмон келса ҳам уларни қутиб олиш учун олдидан ҳозирлик қўрилади-ку! Нима, уршувлар тартиб-интизомли ўтмасинми?! Пала-партиш карвонсаройга айланганлигинми? Ахир, бу борада ҳам Республика Марказий сайлов комиссиясининг йўл-йўриқлари тавсия этилган бўлса, нима учун унга рия қилинмаслиги керак!?

Албатта, ҳамма жойда тартиб бўлгани маъқул, жумладан, сайловолди уршувларида регламент — номзод ва ишончли вақилнинг, шунингдек, сайловчиларнинг сўзга чиқиш вақти белгиланади. Номзодларга сўз берилиши ихтиёрий ёки алифбо тартибда амалга оширилиши ва уршув жараёнида сўзга чиқувчилар раъсик этувчи томонидан таништирилган ҳолда чиқиш қилиши, бу — оддий тартиб. Ҳар бир сайловчи битта овозга эга экан, табиийки, уршувда сўзга чиққан сайловчи битта номзод ҳусусида гапирди. Демак, бу ўринда “бошқа номзодлар ҳақида лой-мим демаслик”дан ёзғириш қўлғили. “Сайлов ўйини эмас!” мақоласини ўқиб туриб яна бир савол туғилди: ишончли вақил ким ўзи? Унинг ҳуқуқи, вазифаси, бурчи нималардан иборат? Назаримизда, ишончли вақил биринчи навбатда сайлов ҳақидаги қонунлар-

Турсулал АҚБАРОВ

дан чўқур хабардор бўлмоғи шарт. У халқ олдига чиқар экан ёки жойларда сайловчилар билан учрашар экан, номзодларнинг дастурларидан атрофлича хабардор бўлмоғи, ўзига даҳлдор номзод дастурининг ўзига хос жиҳатлари нималардан иборат эканини кенг оммага тушунтириб бера олмоғи керак.

Сайлов жараёнида барча номзодлар тенг ҳуқуққа эга, бу тенглик шароитини яратиш нафақат оқрут сайлов комиссиялари, фаолиятига, нафақат номзодларнинг чиқишларига, балки ишончли вақиллар зиммасига ҳам катта масъулият юқлайди.

Демократик, сайловчилар овози учун кураш ишончли вақилларнинг ҳам ҳалол бўлиши ва фақат қонун доирасида фаолият юритишини тақозо элади. Булар қолиб майда-чуйда, енгил-елли миш-мишларни мақола қилиб кўтариб юрган ишончли вақилга эса ишонч бўлмайди. Бундай ишончли вақил ишонччи оқламайди.

Юқорида қайд этилганидек, бугунги сайловлар бурунги сайловлардан фарқ қилар экан, турган гапки, бугунги депутат аввалгиларга ўхшамайди. Эндиги депутат “нақаз” бажарувчи дастёр эмас, аввало, давлат, элу рут истиқболчи учун юксак даражадаги қонунлар қабул қилишга ақли-тафаккури етадиган шахс бўлмоғи лозим. Депутат қошона ёки сарторошона қуриб берадиган ёнқи йўлга асфалт ётқизадиган маҳаллий ҳокимият вақили вазифасини ваъда қилиб, одамлар қўйини пич ёнқозга тўлдирчи ваъдалов бўлмаслиги керак. Сайловчи ўз овози орқали ўз тақдирини яратётганини аңғалтайми? Сайловчиларнинг фаоллиги нечоғли? Шу ва шу каби саволлар бугунги кун таҳлилий мақолалар мавзуси, шу боис ҳам оммавий аҳборот воситалари, ҳусусан, “мустақил нашр” сифатида оёру қозонган “Хуррият”даги газета масалани айти шунингдек етарли эътибор бермай, сайловчиларни чақилтишдан ўзга нарсаса хизмат қилмайдиган раддия-бо мақола чоп этганидан мантик тополмайди. Тўғри, газета фикр айтиш минбари, аммо бу минбар аввало, сайловчи нафақатига хизмат қилмоғи лозим.



Киш... Кор...

САЙЛОВДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТАЙЛИК, МУНОСИБ НОМЗОДЛАРГА ОВОЗ БЕРАЙЛИК!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайловида овоз бериш 1999 йил 5 декабр кун эрталаб соат 6.00 дан бошланади, кеч соат 20.00 гача давом этади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида»-ги Қонун талабига кўра овоз бериш жараёни қўйилганда ташкил этилади. Сайловчи овоз бериш учун келар экан, ёнида ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатга эга бўлиши керак. Сайлов участкасига келгач, сайловчи ўз ҳужжатини участка комиссиясининг аъзосига кўрсатади. Комиссия аъзоси сайловчилар рўйхатига мувофиқ ҳужжат тақдим этган сайловчининг шахсини аниқлаганидан кейин унга сайлов бюллетени беради. Сайловчи эса, бюллетен олганлигини тасдиғи сифатида сайловчилар рўйхатига имзо қўйди.

Бирор бир сабабга кўра айрим сайловчиларнинг фамилиялари сайловчилар рўйхатига кирмай қолганлиги аниқланса, участка сайлов комиссияси сайловчининг шахси, фуқаролиги ва турар жойини тасдиқловчи ҳужжатга асосан уни сайловчилар рўйхатининг иловасида қайд этади. Шундан кейин сайлов бюллетени бериш юқоридаги тартибда амалга оширилади.

Сайловчи у ёки бу номзодга нисбатан ўз муносабатини билдириши, яъни сайлов бюллетенини тўлдирishi махсус кабина ёки хонада амалга оширади. Бу вақтда кабина ёки хонада сайловчидан бошқа бирор киши ёки кишиларнинг ҳозир бўлиши қатъян таъқиқланади.

Сайловчи бирор бир сабабга кўра сайлов бюллетенини мустақил равишда тўлдиролмас, у бошқа бир кишини ёрдамга чақирishi мумкин. Бундай ёрдам курсатувчи шахслар доираси қонунда қатъий белгилаб қўйилган. Бу борада сайлов комиссияларининг аъзолари, кузатувчилар, номзодларнинг ишончли вақиллари сайловчиға ёрдам кўрсатишлари таъқиқланади.

Сайловчи сайлов бюллетенини олиб, кабина ёки хонага киргач, ўзи ёқлаб овоз бераётган номзоддан бошқа номзодларнинг фамилияларини ўчиради.

Сайловчи сайлов бюллетенига қўшимча тарзда бирор бир кишининг фамилиясини ёзиб қўйса ёки бирон бир бошқа ёзув қолдирса, улар инobatга олинмайди.

Биттадан ортиқ номзодларнинг фамилиялари ўчирилмай қолдирилган сайлов бюллетенлари ҳақиқий эмас деб топилади.

Сайловчи тўлдирилган бюллетенини сайлов қутисига ташлайди.

Башарти, овоз берувчи у ёки бу сабабга кўра сайлов бюллетенини бузиб қўйса, унинг илтимосига кўра участка сайлов комиссияси унга янги бюллетен беради. Бузиб қўйилган сайлов бюллетенлари эса, сайлов комиссияси томонидан ҳисобга олиниб, бекор қилинади ва алоҳида сақланади.

Айрим сайловчилар бетоблиги ёки бошқа узрли сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмаслиги мумкин. Участка сайлов комиссияси бундай шахсларнинг илтимосини қондириб, овоз беришини улар турган жой-

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатини сайлаш бўйича		
САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНИ		
000- САЙЛОВ ОКРУГИ 5 декабрь 1999 йил		
ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАР:		
АНТОНОВ Резза Рўзиевич	1936 й. "Адолат" партияси аъзоси, Ўзбекистон темир-йўллари минтақавий ташкирати ишбх қадарли биралишаси бош мудири	Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси
БОТИРОВ Бетар Рўзиевич	1946 й. "Ватан тараққиёти" партияси аъзоси, республика Кўчаси мўла ва ҳарбий сармоялар милади агентлиги бош директори	Ўзбекистон "Ватан тараққиёти" партияси
РАСУЛОВ Ухтай Рўзиевич	1940 й. "Милади тўқсан" партияси аъзоси, "Фотон" ишбх қадарли биралишаси бош директори, Тошкент электор-техника заводи директори	Ўзбекистон "Милади тўқсан" демократик партияси
ТУРСУЛОВ Мақсуд	1944 й. "Фидоиворлар" партияси аъзоси, республика Кўчаси мўла ва ҳарбий сармоялар милади агентлиги бош директори	Ўзбекистон Фидоиворлар мақлий демократик партияси
УМАРОВ Мисал Мисалевич	1936 й. ҲХДП аъзоси, Ўзбекистон темир-йўллари минтақавий ташкирати ишбх қадарли биралишаси бош директори	Ўзбекистон Халқ демократик партияси
ФОЗИЛОВ Турсун Пўлатович	1940 й. ҲХДП аъзоси, "Фотон" ишбх-қадарли биралишаси бош директорининг ўринбосари	Халқ депутатлари Тоқсун шаҳар Кенгаши
ҚОСИМОВ Тоъин Шўқурович	1949 й. партияси, республика Кўчаси мўла ва ҳарбий сармоялар милади агентлиги бош директорининг ўринбосари	Сайловчилар ташаббускор гуруҳи

Қарши овоз берилганда депутатликка номзодларнинг фамилиялари ўчирилмайди. Овоз бериш чоғида биттадан ортиқ депутатликка номзоднинг фамилияси қолдирилган сайлов бюллетени ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Қарши овоз берилганда депутатликка номзодларнинг фамилияси қолдирилган сайлов бюллетени ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Овоз бериш чоғида биттадан ортиқ депутатликка номзоднинг фамилияси қолдирилган сайлов бюллетени ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Қарши овоз берилганда депутатликка номзодларнинг фамилиялари ўчирилмайди. Овоз бериш чоғида биттадан ортиқ депутатликка номзоднинг фамилияси қолдирилган сайлов бюллетени ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Қарши овоз берилганда депутатликка номзодларнинг фамилиялари ўчирилмайди. Овоз бериш чоғида биттадан ортиқ депутатликка номзоднинг фамилияси қолдирилган сайлов бюллетени ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Қарши овоз берилганда депутатликка номзодларнинг фамилиялари ўчирилмайди. Овоз бериш чоғида биттадан ортиқ депутатликка номзоднинг фамилияси қолдирилган сайлов бюллетени ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Қарши овоз берилганда депутатликка номзодларнинг фамилиялари ўчирилмайди. Овоз бериш чоғида биттадан ортиқ депутатликка номзоднинг фамилияси қолдирилган сайлов бюллетени ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Қарши овоз берилганда депутатликка номзодларнинг фамилиялари ўчирилмайди. Овоз бериш чоғида биттадан ортиқ депутатликка номзоднинг фамилияси қолдирилган сайлов бюллетени ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

АНЖУМАН

МУАММОЛАРНИНГ ЕЧИМИ НИМАДА?

Яқинда Тошкентда "Қамолот" жамғармаси ташаббуси билан, Давлат, фан ва техника қўмитаси томонидан қўллаб-қувватланган "Ёшлар муаммолари ва уларнинг ечимли ҳолат ва истиқбол" мавзудаги Республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

Анжуман ишида Ўзбекистон республикаси Президенти девони, Вазирилар Мақамаси вақиллари, Фан ва техника, диний қўмита раҳбарлари ҳамда республикамиздаги етакчи олимлар иштирок этдилар.

Анжуманда бугунги кунда ёшларнинг долзарб бўлиб турган муаммолари: жиноятчиликнинг ўсиши, ишсизлик, диний ақидапарастлик, оиладаги муаммоларни чўқур илмий таҳлил қилувчи ва уларни бартараф қилишини йўларини кўрсатиб берувчи илмий изланишлар олимларимиз томонидан даярли олиб борилмаётганлиги таъкидланди.

Анжуман шўбобалар ишида ёшларнинг турли муаммоларига бағишланган 70 га яқин маъруза эшитилди.

Бехўд ШУКУРОВ

ОЛ-А!

БУЮК ИШАК ЙЎЛИ?..

Яқинда Туркистон саройида Бадий академия тасарруфидида Республика тасвирий санъат лицей-интернати ташкил этилганлигининг 70 йиллик тўйига бағишланган тантана бўлди. Марказий кўрганмалар залида лицей устоз ва ўқувчиларнинг ижодий ишларида намуналар қўйилган эди. Тўғрисики айтиш керак, уларни томоша қилиб роса мириқдик. Бир сўраг эса диққатимни тортиди. Сўраг эмас, тўғриси, шу суратнинг остидаги ёзуви. Ранг-тасвир усулида ишланган бу асарнинг тағида қуйидагича таъништирув ёзуви турарди:

"А. ТУРҒУНОВ
"БҮЮК ИШАК ЙЎЛИ"...

Таажжубландим. Наҳотки, ишак йўли бўлса? Буни қайси "саводли" одам эди экан? Ен-атрофимдагиларга қараб: "Шундай йўл ҳам борми?" деб сўрасам, "Бўлса керак-да, ёзиб қўйишибди-ку" деган жавобни олдим. Яна бири: "Хато ёзишган бўлса керак, ишак эмас, Ипак йўли бор-ку", деди. Хуллас, шунча гаплар! Билганга "Ипак йўли" билмаганга эса "Ишак йўли" бўлиб қолаверди. Билмаганлар расмда тасвирланган қатор-қатор туялар қарвони орасида ишаклар (тўғриси, эшаклар) йўқлигига эътибор бериб ҳам ўтирмайди.

Х.ХИММАТ ҚИЗИ

Даки емай десанг, ишлама! йўф-эй!

ЛАТИФА

СОЦИАЛИЗМ — СУВИ!

Никита Хрушчевнинг даволовчи врач - П.Мошенцевага айтган латифаси

Никита Сергеевич КПСС Марказкоми котиблигидан кетгач, касалхонага тушди. Бир кун у ётган палатага кирсам, касал "Правда"ни ўқиб ўтирган экан. Мен узр сўраб, изимга қайта бошладим. Хрушчев газетани қўйди.

Халал бердим-а, - дедим хижолат чеки. - "Правда"ни ўқийтган экансиз. - Ҳўқийдиган ҳеч вақоси йўқ, - деб қулди Хрушчев. - Шахсан мен ўқймайман, кўз югуртираман, холос. Бошдан-оёқ социализм ҳақида ёзади. Ҳаммаси - сув.

Мен бу гапларни эшитмаганликка олиб турганим, Никита Сергеевич гап бошлаб қолди: - Социализм ва сув ҳақидаги латифани айтиб берайми? Эшитинг. Шаҳрдан колхозга келган лектор социализм ҳақида маъруза ўқибди. Ҳаммани қувиб клубга критика-ишбди. Лектор бир соат маъруза ўқигунича столга қўйилган бир графин суви ичибди, иккинчи соат маърузаси давомида иккинчи графиндаги суви ичибди, учинчи соат давом этибди - яна бир графин суви қурибди. Ниҳо-

ят, маъруза тугабди. Колхоз раиси мазмули маъруза учун лекторга миннатдорчилик билдирибди, ўтирганларни савол беришга ундади. Орқа қаторда ўтирган бир чол ўриндан туриб, "Уртоқ лектор! Уч соат маъруза ўқигунича ўз графин сувини ичиб юбордингиз-у, бир марта ташқарига чиқмадингиз-а?" деб савол берибди.

Хрушчев шундай деб мени синовчан кузатиб турди-да, биринчи бўлиб ўзи мириқиб қулишга тушди.

Социализм нима эканини энди тушундингизми? -

Турган-битгани суви!

- Никита Сергеевич! Қандай қилиб социализм ҳақида бундай сўзларни айтасиз?

- Нима, сув бўлмай нима?

Мен яна қарши гапирдим:

- Ахир ўзингиз бутун умр социализмни мустаҳкамлашга курашдингиз, ҳатто коммунизмга чиқишга ваъда берган эдингиз-ку?

Хрушчев бепарво аҳволда қўл силтади.

- Бошқа нимаям қилардингиз? Гап-да, ҳаммаси...

МАГРИБУ



МАШРИК

САНА

СПИД ЭСКИ АСРДА ҚОЛСИН!

1 декабрь — Халқаро СПИДга қарши кураш кун

Бурунги замонда инсоният учун вабо, ўлат, ич терлама каби юқумли касалликлардан хавфлироқ дахшат бўлмаган. Бу дахшат бутунбутун шахару кишлоқларни қириб, минг-минглаб кишиларнинг ўлимига олиб келишди. Бирок инсон ақл-заковати билан бу юқумли касалликларни энг библиёт ХХ асрда бу офатларни ўз назорати остига олган эди. Бирок 1981 йилда Нью-Йорк ва Сан-Францискода топишган ва илгари ҳеч қувватланган касаллик олдидан тиббиётнинг қўлоғи боғлиқ бўлиб қолди. Ушунда бутун дунё тиббиёт ходимларининг ақлини шошириб қўйган ва ҳалигача жумбоқ бўлиб келаётган бу касаллик СПИД (ОИТС)дир.

СПИДга қарши курашда организм турли инфекцияларга чидамлилигини йўқотиши ва натижада... СПИДнинг келтириб чиқарувчи ВИЧ инсон танасида бир неча йил билан ташвири яшаб юриши мумкин. Бу организм ВИЧ ташвири юрвчи деб юретилади. ВИЧ кийин юқувчи вирус бўлиб, айнан қон томирларига тушаганина яшаб кетади. Бу вирус қондан бошқа суюқликларда ҳам, жумладан, сўлак, тер, кўз ёши ва ҳоказоларда учрайдми. Бирок шу кунгача тиббиёт тажрибасида томчи ва чанг орқали вируснинг юқими кузатилмаган. ВИЧ юқими кийин ҳисобланса-да, унинг тарқалиш йўллари оз эмас. Ноахлюқ жинсий алоқалар вирус учун асосий транспорт вазифасини ўтапти. Бундан ташқари вирус қон куйиш, организм аъзоларини кўчириш орқали ҳам ўта-

ди. Агар онада ВИЧ инфекцияси бўлса, болага ҳомиладарига ёки туғилгандан кейин она сўти орқали ўтади.

Бундан 20 йил аввал СПИД ҳақида ҳеч қандай таассуротга эга эмасди. Бирок ҳозирги кунда СПИД дунёнинг энг муҳим муаммосига айланган. Шу кунгача ер юзидан 50 миллиондан ортиқ киши СПИД билан касалланган бўлиб, улардан 16 миллион хозир ҳаёт эмас, демак, яна 34 миллион киши чорасизликка маҳкумдир.

Африкада СПИД ўзининг энг юқори босқичига чиқди. У ерда ҳар кун 5,5 миң киши, ҳар йили 2 миллиондан ортиқ киши СПИД натижасида кўз юмояпти.

СПИД билан касалланганларнинг тахминан 95 фоизи ривожланган давлатлар ҳисобига туғи келади. Афсуски, бу давлатларда зарур тиббий чоралар кўришга етарли маблағ йўқ.

Ўзбекистонда 1987-1999 йиллар оралиғида 71 та ВИЧ инфекцияси билан захраланган ҳолати қайд этилган. Улардан 32 таси хориқликлардир. ВИЧ инфекцияси юқими асосан инфекцияли наркомания орқали содир бўляпти.

БМТ бошчилигида 1988 йилдан ҳар йили 1 декабрь - Бутун дунё СПИДга қарши курашиш кунга ўтказилади. Бу тадбирдан мақсад, ким бўлишидан қатъий назар, миллати, этники, келиб чиқиши қандай бўлмасин, барча дунё халқларини бир широр остида бирлаштириш: СПИД инсонни эмас, инсон СПИДни енгим.

Шаҳноза ҲАЙДАРОВА

ТАҲЛИЛ

...Бугунги кунда халқаро майдонда "совуқ уруш" кўринишлари ўрнини бир-бири билан бирлашиб, тобора кенг қўламли ва ҳужумкор моҳият касб этаётган ашаддий миллатчилик ва сепаратизм, диний экстремизм ва халқаро терроризм каби иллатлар эгаллаётганини исботлаб ўтиришнинг ҳолати йўқ.

И.А.КАРИМОВнинг Истанбул саммитида сўзлаган нутқидан

"СОВУҚ УРУШ" ЧАНГАЛИ

ЕВРОПАда Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо 54 мамлакат давлат ва ҳукумат раҳбарларининг олий даражадаги Истанбул учрашувида асосий эътибор Ўзбекистон Президенти И.Каримов томонидан кўтарилган минтақавий можароларни бартараф этиш, террорчилик ва экстремизмга қарши кураш масаласига ҳам қаратилди. Юртбошимиз XXI асрнинг энг катта муаммоси бўлиши эҳтимоли бор хавфсизликка таҳдид муаммо-

карама-қаршилик йўқолган бўлса-да, ҳали янги муносабатлар тўла шаклланишича йўқ. Демак, ўз-ўзидан аёниқ, баъзи қучли давлатлар ўртасида бойликлар, ресурслар учун кураш давом этади. Агар олдинги асрларда бу курашлар катта урушлар, ҳудудларни бошиб олишлар орқали амалга оширилган бўлса, XXI асрда умуман бошқа воситалар, усуллар ишга солиниши кутилмоқда. Ана шундай кураш усулларидан бири терроризм ва диний экстремизм бўлиб, у бугунги кундаёқ МДХ, жумладан, Марказий Осиё давлатларига нисбатан ҳам қўлланилмоқда.

Жаҳонда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар таҳлили шуни кўрсатадики, халқаро

БИРЛАШМОҚ ЭҲТИЁЖИ


Халқаро терроризм ва диний экстремизм — хавфсизликка таҳдид

сани кўтарибгина қолмасдан, балки маъзур муаммо хал қилинишининг конкрет йўллари ҳам асослаб берди. Умуман олганда эса, Истанбул саммити жаҳонда Ўзбекистоннинг, унинг Президентининг обрў-эътибори ортиб бораётганини яна бир марта тасдиқлади.

Давлатимиз раҳбари Истанбул саммитига жўнаб кетишдан олдин ОАВга берган интервьюсида халқаро терроризм, унинг нима учун диний экстремизм билан қўшилиб кетаётгани моҳиятини очиб бераркан, маъзур хавфли жараён охири-оқибати қандай сабабларга олиб келиши мумкинлигини аниқ баён этди. Ваҳоланки, икки йил олдин эълон қилинган "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ватарақийёт қафолатлари" асаридаёқ ушбу масалалар кенг ёритилиб, таҳлил этиб берилган эди. Афсуски, ўша пайтлари жаҳон матбуоти, баъзи бир "дўстларимиз" Президентимизни тушуниб етмади. "И.Каримов ўз лавозимини ушлаб қолиш учун шундай қиялти", "Президент Ўзбекистондаги муаммолардан қалғияпти", деганлар ҳам бўлди. Лекин бугунги воқеалар юқоридаги сингари бақарок даъволар қанчалик пуч ва ҳаёлий эканлигини, Президент И.Каримов фақатгина мамлакат доирасидаги сиёсатчи эмас, балки дунё миқёсидаги стратег ҳам эканлигини кўрсатиб турбиди.

Энди маъзур масалаларга чуқурроқ эътибор беришга уриниб кўрайлик. Жаҳон янги асрга қадам қўймоқда. Мутахассислар бу аср инсоният тарқиқетини балан поғоналарга олиб чиқишини башорат қилмоқдалар. Янги асрнинг ўзига хос хусусиятларидан бири жаҳон хавфсизлик тизимининг бутунлиги, яхлитлигида намоён бўлиши. Чунки жаҳон ҳўжалик юришти тизими, давлатлар ўртасидаги илмий, маданий, сиёсий алоқалар тобора чуқурлашиб, бир-бирига қўшилиб кетмоқда. Хавфсизлик тизими ҳам шунга мос равишда шаклланимоқда. Иккинчи томондан эса, шу хавфсизликка пугур етказувчи қучлар ҳам ривожланиб бормоқда.

Гап шундаки, икки кутб, яъни социалистик ва капиталистик жаиятлар ўртасидаги



терроризм, радикал кайфиятдаги экстремистик диний ҳаракатлар асосан дунёнинг Европа ва Осиё қисмида жойлашган давлатларга тўғри келмоқда.

Европа мамлакатларида ушбу салбий ҳодисаларнинг мавжудлиги сабаби, назаримизда, кўйидагиларда намоён бўлмоқда:

- Фарб мамлакатлари дунёнинг бошқа минтақаларига нисбатан кўп томонлама ривожланиб кетди. Натижада бошқа ҳудудлар Европага технология жиҳатдан қарам бўлмоқда. Яъни, қатор мамлакатлар Европага хом ашё маҳсулотларини етиштириб беришчи вазифасини ўтамоқда, ҳолос. Террорчилар бу ҳолатга барҳам бериш керак деб ҳисобламоқдалар;

- ривожланган мамлакатлардаги демократик жараёнлар баъзи бир салбий оқибатларни ҳам келтириб чиқарди. Чунки, ҳар қандай кишининг, ҳаттоки жиноятчининг бемаъл фаолият кўрсатиши, қурол-яроғларни ошқора сотиб олиш имкониятлари мавжудлиги;


- Европа ҳудудида у мамлакатдан бу мамлакатга ўтиб юришининг жуда осонлиги, ўта замонавий алоқа воситалари мавжудлиги, халқаро алоқа тизимларидан фойдаланиш ўнғайлиги;

- Европа мамлакатларида наркотик моддалар истеъмол қилинишининг юқори даражадалиги ёки, бошқача айтдиган бўлсак, наркотиклар бозорининг мавжудлиги. "БМТ маълумотларига кўра жаҳонда гиёҳванд опиумнинг 75 фоизи Афғонистонда етиштирилмоқда. Унинг 90 фоизи бевосита Европада тарқатилмоқда". (Ислом Каримовнинг Истанбул саммитида сўзлаган нутқидан).

МДХда ҳам терроризм ва диний экстремизм таъсири кучаймоқда. Кейинги вақтларда улар бир қанча террорчилик ҳаракатларини амалга оширдилар. Бизнингча, ушбу ҳудудда бундай салбий ҳодисаларнинг кучайишига қуйидаги омиллар мавжуд:

- икки антагонистик кутбли хавфсизлик тизими даврида ушбу ҳудуддаги давлатлар муносабатларини таъминлаб турган маданий, иқтисодий, сиёсий қўч, мафкура янги даврга келиб барҳам топди. Уларнинг ўрнини тўлдирувчи янги муносабат-тушуналар пайдо бўлмагани боис бу борада бўшлиқлар юзага келди. Халқаро экстремизм ва терроризм мана шу бўшлиқларни тўлдириб ҳаракатиди;

- аввал бу ҳудуд яхлит бир давлат эди. Бугун унинг ўрнида қатор мустақил давлат-



Бехруз АСОМИДИНОВ

неча давлатда эса мусулмонлар сони аҳолининг кўпчилигини, баъзан асосий қисмини ташкил этади. 80-йилларда бу ҳудудга ҳам Фарб, ҳам Шарқ томондан кўз олайтирилган бўлди. Шу тариқа турли миссионерлик ҳаракатлари ўз манфаатларини қўлаган ҳолда бу минтақада аҳоли дунё-қарашини ўзгартиришга, ўз таъсир доираларига тортишга урина бошладилар. Миссионерлик ниқоби остида минтақага турли бузғунчилар ҳам кириб келдилар. Тўғри, улар тўсатдан бостириб келавермайдилар, уларни бу ҳудудга қўллаб-қувватлайдиган қучлар, гуруҳлар керак. Шу тариқа улар манфаатдор жиноятчилик билан тил бириктирдилар ўз ниятларига эришиш учун қора қучларни нафақат пул ва гоъвий фикрлар, балки қурол-яроғ билан ҳам таъминлашга ўтадилар.

Бу ҳудудда эидият келтириб чиқаришдан, керак бўлса, уруш оловини ёқиб, моддий манфаати доирасини кенгайтиришдан, хусусан нарқобизнес ва қурол-яроғ сотиш орқали фойда топишдан манфаатдор қучлар мавжуд. Зеро, бу ерда тинчлик ва барқарорлик устивор бўлса, улар инқирозга учрайдми, наркотик моддаларни четга олиб чиқиш анча қийинлашади. Бу эса шундай жиний ишларни қилиб юрган қучлар фаолиятига кескин зарба бўлиб тушади.

Ушбу ҳудуд жуда катта ресурсларга эга эканлиги кўпчиликка аён. Бундан ташқари, у Фарбу Шарқни, икки цивилизацияни туташтирувчи геополитик ҳудуддир. Шунинг учун қадимдан бу ҳудуд учун, унга ҳукмронлик қилиш учун урушлар олиб борилган. Бугунга келиб ушбу ҳудудга, айниқса, Ўзбекистонга кўз олайтирилган ўз фаолиятларини жадаллаштириб юбордилар. Шу нуктаи назардан қарайдиган бўлсак, Ташкентдаги 16 февраль террорчилик актилар Догистон ва Чеченистон урушлари, Қирғизистон жанубидаги воқеалар, Арманистондаги террорчилик ҳуружи, яқиндагина Ташкент вилоятида содир этилган жиноятлар, шунингдек, жаҳон бозориде нефть маҳсулотлари нарқининг ошиб кетиши, ривожланган мамлакатларда янги қувурларни ётқириш бўйича баҳслар кучайганлиги, Каспий ҳавзасидаги нефть қазилмалари учун курашнинг авж олиб кетганлиги ўртасидаги чуқур боғлиқлиқ кўраимиз. Гап шундаки, ушбу ҳаракатлар орқасида турганлар Кавказдан бошлаб Марказий Осиёгача бўлган ҳудудда ақидапарастликка асосланган диний давлат тўзмоқчилар. Улар ҳудуддаги асосий нукталарга ҳужум уюштиришмоқдалар. Улар яхши билишадими, агарда Ўзбекистонни танлаган йўлидан орқага кайтаришга эришсалса, бутун Марказий Осиёни бошқариш имконияти пайдо бўлади. Ўз навбатида ким Чеченистонни ўз мақсадида баъбуқандирса, бутун Кавказни қўлга олиш имкониятига эга бўлади.

Бир сўз билан айтганда, "совуқ уруш"нинг совуқ чанғали ер юзини ўз қомига тортиш йўлида ҳеч қандай разилликдан қайтмаяпти. "Совуқ уруш"га ҳам, разилликка ҳам барҳам беришнинг бирдан-бир чораси эзгу ва соғлом қучларнинг бирлашувидир. Бундай бирлашиш давримизнинг бош эҳтиёжига айланади.

(Давоми келгуси сонда)

ЭНГ ОФИР БАЛО — МУНОФИҚ ДЎСТЛАР!

Дунё кездим, тажриба орттирдим, қийинчиликларга дуч келдим, қийинчилик билан сўхбат қурдим, улуг ишлар этагидан тўтдим, тирикчиликнинг аччиқ-чучугини тотдим, китобга ошириб қўйдим, олимлар хизматида турдим, умиримни дунё излаш билан эв ўтказдим, ажойиб-иботларга йўлиқдим — кўрдимки, умр ва дунёдан кўра тез ўтиб кетадики, ўлим ва охираддан кўра яқинроқ, ордудан кўра узоқроқ, хотиржамликдан кўра гўзалроқ нарса йўқ экан. Дунёю охираг ахшиллигини қаноатда, ёмонлигини тамаъда кўрдим. Кўрдимки, вақтини "эсиз", "қанийди", "қошқийди"лар билан ўтказган кишининг умри энг қисқа экан. Энг гўзал бевақ тавозеъ, энг хуноғи баҳиллик экан. Хусни қулдан кўра ахшилик устига ахшилик қўшадиған, ҳасаддан кўра ёмонлик устига ёмонлик қўшадиған нарса кўрмадим. Илтимосга қолган кунда ўлимни, босиқлик ва тамаъсизликда барҳаётликни кўрдим. Муваффақиятсизликни лоқайдлик ва дангасалиқда, балони тилда, ҳаловатни сукутда кўрдим. Оққўни маҳрум, дунёпарастни гамгин кўрдим. Аёлманд кишини

кўмилган, молдор одамни бечора кўрдим. Кўрдимки, энг ноёб нёмаат — ростгўйлик ва қарамонлик, энг оғир бало мунофиқ дўстлар экан. Кўрдимки, Оллоҳ дунё қуллогидан озод қилган кишигина ҳақиқий хур экан. Хору зорликни "маҳлуқ"лар хизматида, азизу муқаррам хизматида бўлишда кўрдим...

Кўрдимки, энг яхши дўст илм экан. Жаннатга киришни ҳалол ризқ ва амри маҳол ишни тарқ қилишда кўрдим. Дўзахга йўлни ҳавойи нафсада кўрдим. Оллоҳ таолони ёдлашдан сўнг ўлимни эслаш ҳикмат экан. Улимдан оғирроқ қуфат — уттан ишга пушаймонликда экан. Кўрдимки, эрмаган ўрмайди. Шафқат қилмаганга шафқат қилмайди. Кимки кеча ва кундуз кемастига минса, у кема ё жаннат, ё дўзахга олиб боради. Алданишдан сақланинг! Сақланинг!

Нажмиддин КУБРО

МЎЖИЗОТ ҚАЪБАНИНГ ХИСЛАТИ

Зикр қилишларича, Макка (Тангри уни офатлардан сақласин) Буюқ Тангрининг муқаддас жойидир, унинг халқи буюқ Тангри халқидир, уни зиёрат қилувчилар Тангрини зиёрат қилувчилардир. У ерда буюқ Тангри уни — Байтуллоҳ жойлашган. Тангри уни одамлар учун тўпланиш ва омонлик жойи қилди. Макқанинг хусусиятларидан бири, у экин битмайдиған ва дарраҳт ўсмайдиған саҳро,

лекин у ерда жамики мевалар мавжуд. Қабанинг хислатларидан бири шуки, унга қабутар фақат касал бўлсагина қўнади, соғломлик вақтида Қабга қўнамайди. Унинг хусусиятларидан яна бир шуки, илгари кўрмаган киши уни кўрса, ё кулади, ёки йўғайди. Агар Ироқ томондаги кишига ёмғир тегса, шу йили Ироқда ҳосилдорлик мўл бўлади, агар ёмғир Шом томондаги кишига тегса, шу йили Шомда ҳосилдорлик мўл бўлади, агар Байтуллоҳнинг ҳамма томонига баробар ёмғир тегса, шу йили ҳамма мамлакатларда ҳосилдорлик мўл бўлади. Байтуллоҳни ҳаж қилган даврлардан бери қанча тошлар отилишига қарамай, у ер ҳозир ҳам бир текисда турбди, мўъжиза бўлмаганда, селлар оқибди, олиб кетишдан қатъий назар, бу тошлар бир тоққа айланб кетган бўларди.

Алҳам АЗИМОВ тайёрлади

ЭРКИЧЛИК ЗАРУРА АТТИ

ёҳуд АҚШлик ҳамкасбларимиз журвати

ТУҲМАТДАН УЗИ САҚЛАСИН!

Туҳмат Америка қонунчилиги бўйича шахсининг оёриги тўқилишига сабаб бўладиган ёлгон, нотўғри ёки атайин ёмон ниятда ёзилган материаллардир. Матбуотда номин тилга олинган киши ўз қадр-қимматини тахқирлаган деб ҳисобласа, журналист ёки ОАВ органи устидан судга мурожаат қилиши мумкин. Агар у илгари сураётган айбларини исботлай олсагина, судда ютиб чиқади. Лекин бундай айбловларни илгари сурадиганларнинг ақсарияти жараённи бий беради. Чунки, жаҳра-

нувчида шикоят қилиш ҳаққи бўлганидек, жавоб беришчи - ОАВнинг ҳам ҳимояланиш ҳуқуқи мавжуд. Шунинг билан таъқидлаш керакки, АҚШда туҳмат асосан фуқаролик иши асосида қўриб чиқилади. Бу борада жиний қонунчилик деярли қўлланилмайди. Оммавий аҳборот воситаларига туҳмат билан боғлиқ ишларда ҳимояланиш учун қуйидаги асосий ҳуқуқлар берилади. Буларнинг бириричиси - ҳаққонийлик. Агар материалда бировнинг шахсияти ёки оёрибўсага пугур етказилган бўлса-да, унда ҳақиқат баён этилган бўлса, у ҳолда арз қилувчининг шикоятчи қўриб чиқилмайди. Иккинчиси - виждонийлик. Журналист ўз ишига виждонан ёндашиб, касбий ахлоқ доирасидан чиқмаган бўлса, у оқланади. Шунингдек, ОАВ ҳимояси учун бошқа турли "имтиёзлар" ҳам мавжуд. Расмий ҳуж-

жатлар, парламент, ҳукумат, полиция маҳкамаси биносида айтилган гаплар, судья ва прокурорнинг сўзлари ҳақиқатга тўғри келмагани учун журналист жавобгар ҳисобланмайди. Ниҳоят, шарҳ ва танқид учун ҳам журналистга нисбатан илгари сурилган айблов бекор қилинади. Лекин бундай имтиёзлар ҳуқуқлар оммавий ахборот воситаларини берилган нотўғри маълумотлар учун жавобгарликдан озод қилмайди. Айнан шундай ҳаётлар қўлинича ОАВга қимматга тушади.

Америкада туҳмат тўғрисидаги қонунлардан ташқари, Олий Суднинг у ёки бу иш юзасидан чиқарган қарорлари ҳам ОАВ фаолиятини мувофиқлаштиришда муҳим урин тушади. Шундай қарорлардан бири 1964 йили қатта шов-шўвага сабаб бўлган "Нью Йорк Таймс" Салливанга қарши суд иши-

Subscription form for HURRIYAT newspaper, including fields for name, address, and payment details.

Advertisement for HURRIYAT newspaper, featuring contact information, subscription rates, and a list of contributors.

